

Мухаммадниёз Нишотий (18-аср, Хоразм) — шоир. Хива мадрасаларида ўқиган. Хоразм хонлигида сиёсий аҳвол оғирлиги туфайли Нишотий Бухорога келган, гариблик ва мухтожликда яшаган. Адабий мероси «Хусну Дил» достони, «Кушлар мунозараси» манзумаси ҳамда 1500 мисра шеър — 38 газал, 14 мухаммас, 1 касида ва мусаддасдан иборат. Лирикаси дунёвий мухаббат мавзуида. Унда шоир ўз кечинмалари, замона хақидаги фикр-мулохазаларини ифодалаган, вафо, садокат, гўзаллик ва нафосатни куйлаган. «Кушлар мунозараси»да 14 хил кушнинг ўзаро бахсу мунозаралари оркали ўша даврдаги ижтимоий тузумга хос иллатлар, жаҳолат, мансабпарастлик ва бошқа мажозий шаклда танкид қилинган, меҳнат аҳлининг камтарлиги улугланган. «Хусну Дил» достони (1779) — шоир ижодининг чўккиси. У Шарк халқлари орасида машхур сюжет асосида назмда яратилган. Достон 15584 мисра, 62 бобдан иборат. Анъанавий кириш (1—5-боблар)дан сўнг шоир ўзи хақида, достоннинг ёзилиш сабаблари, сўз ва унинг кудрати, ҳамсанавислар (Низомий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва б.) хақида фикр юритган. Асосий қисм 11-бобдан бошланади ва асар хотима билан якунланади. Етакчи мавзуи — севги. У Хусн ва Дилнинг мураккаб саргузаштларида ўз аксини топган. Ақл, Ишк, Вафо, Меҳр, Номус, Химмат, Сабр, Рақиб каби образларда кишилардаги муайян хусусиятлар ифодаланган. Достон Хусн ва Дилнинг тўй тантанаси, яъни эзгуликнинг ёмонлик устидан галабаси билан тугайди. Асарда Ватанни севиш, халқпарварлик, маърифат ва адолат, мардлик, севги-садокат, яхши хулқ-одоб каби гоёлар илгари сурилган. Достон кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институти (инв. №1198, 7013, 1997, 1666, 1027), Самарқанд давлат университети (инв. №21828) кўлёзма фондларида сақланади.

### КУШЛАР МУНОЗАРАСИ

Дўстлар, табъим имтихон килайин,  
Кушларнинг бахсини баён килайин.  
Киш чиқиб, хут этти чун тахвил,  
Бўлди Лаклак тамом кушга далил.  
Катъ этиб йўлни шахри Кеш келди,  
Севунуб халқ деди: «Хуш келди!»  
Килибон гусл ила тахоратни,  
Тавф килди юруб мазоратни.  
Дидбон бўлубон минора чиқиб,  
Ўз боши узра шодиёна қоқиб.  
Деди: «Инак етишти фасли баҳор,  
Муътадилдур хавойи лайлу наҳор».  
Тикди чодар шукуфа бўстонда,  
Битди юз навъ гул гулистонда.  
Бўлди тонгнинг ели Масих нафас,  
Уйкудин очди кўзларин нарқас.  
Чунки Лаклак бу навъ килди нидо,

Тушти юз гуфтугўй кушлар аро.  
Ул кун эрдим факир гулшанда,  
Кўзларим эрди сарву савсанда.  
Бир йигоч тубида туруб эрдим,  
Гўшае олиб, ўлтуруб эрдим.  
Бахс этар эрдилар Аккаю Зог,  
Зог дедики:— Сен киму бу бог?!  
Ман чекарман маломатин богнинг,  
Бог ичинда тамоми мева санинг.  
Догули беҳаёйи лўлисан,  
Туту зардолунинг чугулисан.  
Акка дедики:— Эй каро юзлук,  
Шўр тумшуклику ачик сўзлук.  
Сандайин зогдин фарогатман,  
Бог бошига ахли хидматман.  
Бир макондин бу бог мулкига  
Киргали йўл йўк шагол, тулкига.  
Ул сабабдин мани чугул дерсен,  
Беҳуда мухмалеким ойтурсен.  
Сен киму бу бог ичинда сайр этмак?!  
Бор бузукликни сакла чун чўгзак.  
Кумри келди булар қошига равон,  
Колди бу иккисига ул хайрон,  
Деди:— Невчун урушасиз, куллар?  
Кушлар ичра бахоси бир пуллар!  
Сонмангиз ўзунгизни одам сиз,  
Барча кушлар аросида камсиз.  
Богу масжидларинг мукрисиман,  
Хазрати зулжалол кумрисиман.  
Тенгри солди азалда ўз шавкин,  
Хамчу бўйнимга бандалик тавкин.  
Сўфидек бўйнума ридо солдим,  
Богу масжид ичинда жой олдим,  
Богу бўстон ичинда бир хушхон,  
Бўлмагай ман каби фасих забон.  
Фохтак эшитиб бу лофларни,  
Мунча беҳуда у газофларни,  
Дедиким:— Эй галатнамо Кумри,  
Юзунга келмади хаё, Кумри.  
Ўзунгни тони, хаддин ошмогил,  
Хадингни бил, даги талошмогил.  
Сандин ортукдурур пару болим,  
Сарву шамшод — бори поймолим.  
Айласам чун дуо мани мискин,  
Кўл чикориб чинор дер омин.  
Бу дуо бирла бог барподур,

Рашки фирдавсу хулди аълодур.  
Шохи сарв узра гар десам ку-ку,  
Ойтурам «Ло илоха иллоху».  
Тенгри килди мани азалда азиз,  
Хеч каюнғиз манга етушмассиз.  
Булбул ул дамда кон ютуб гулсиз,  
Зор йиглаб, бўлуб тахаммулсиз.  
Деди:— Кўп лоф урма бехуда,  
Айта кўрма димогинг олуда.  
Ман боринда санга не сон бўлгай,  
Ушбу иш барчага аён бўлгай.  
Субхидамларки, бошласам нола,  
Солурам шавк ахлини бир хола.  
Кеча-кундуз хакка сано дерман,  
Ўзими бандаи худо дерман.  
Бошлагач бу нидо мани гамнок,  
Эшитиб гул килур якосин чок.  
Булбул эрди бу сўздаким ногох,  
Бўлди Тўти бу киссадин огох.  
Хилъатин сабз этиб зумурраддин,  
Тавк эди бўйнида забаржаддин.  
Хизр янглиг етишди манзилга.  
Деди:— Кўп сўзлама, анодилга.  
Бўлма мағрур гулга, эй Булбул,  
Бўстон ичра неча кундур гул?!  
Лолаву гулда бўлмагай бунёд,  
Берур они хазон ели барбод.  
Муттасил Хинддур манга манзил,  
Хизрдек кийганим эрур ёшил.  
Ичганимдур мудом оби хаёт,  
Еганимдур мудом канду набот.  
Эл ичида гизом шахду шакар,  
Кайси бир кушда бор мунча хунар?!  
Эрдн бу сўзда Тўтню Булбул,  
Ки етишди арога Кирговул,  
Деди:— Эй Тўтп, худилмо бўлма,  
Аккадек шўху беҳаё бўлма.  
Одам эрсанг, ўзуига бер инсоф,  
Еганим канддур деб урмягил лоф.  
Мунча дединг бу канд ила асале,  
Нафсидин демади набию вали.  
Юзуминг кизилин кўруб ибрат,  
Балки ёзди муни яди кудрат.  
Кани бир кушки, бўлгай ул манча,  
Урсок онинг била неча панжа.  
Тушгач ўртога зўру панжа сўзи,

Ках-ках уруб етишти Каклик ўзи.  
Кўзлари кип-кизил эрди кондек,  
Тог ичидин етишди кафлондек,  
Деди Кирговулаким:—Эй нодон,  
Барчага мокиён уруши аён.  
Кўч била ўз-ўзипгни ўлтурма,  
Гўшае олу эмди лоф урма.  
Кўху хомунда айларам ках-ках,  
Лаъл конига онда топдим рах.  
Еганимдур хамиша донаи лаъл,  
Тумшукимда,эрур нишонаи лаъл.  
Каклик ул лахза лофи дуру дароз —  
Бошлаб эрди, етишти ногах боз.  
Кўркуб ул ерда каклики авбош,  
Рози бўлди ёрилса ул дам тош.  
Кирса ул тошнинг аросига,  
Колмаса Карчигай балосига.  
Карчигай аччиги била турди,  
Барча кушдин юкори ўлтурди,  
Деди:— Эй кушлар, ўлтурунг абсамт,  
Урмагайман барингизи бархам.  
Гох тог устида килиб жавлон,  
Гах кўтариб кўлига хазрати хон.  
Солгочин ул ягонаи офок,  
Олурам Ўрдак ила кашкалдок.  
Карчигай сўзни мухтасар килди,  
Анда кушлар бари хазар килди.  
Килди Товус анда жилва магар,  
Кўрсатиб ноз ила хазор хунар.  
Чатр килди бошига куйрукини,  
Кўрунгиз эмди тенгри буйрукини!  
Чатрининг остида туруб чун хур,  
Бўлди ўз хуснига базе магрур,  
Деди:—Ман-ман барингизга султон,  
Манзилимдур диёри Хиндустон.  
Кўрмак учун паримни савдогар  
Шахрдин шахрларга элтурлар.  
Эрди ўрнум бихишти жовидон,  
Озгуриб солди дунёга шайтон.  
Дахрда колдим ушбу холатга,  
Учрадим юз туман маломатга.  
Килмай эрди бу сўзни Товус адо  
Ки, етишти бу холат ичра Хумо.  
Анда кушлар бариси кўпдилар,  
Келибон аёкини ўпдилар.  
Кўпмади ўрнидан магар Товус,

Анда килди хумо бaсе номус.  
Деди:— Эй беадаб, не хўдур бу?  
Яхшидур яхшиларга хўйи наку.  
Суратинг хўбу сийратинг ночок,  
Ўзунгга бокма — бу аёкинга бок.  
Анда иблиса рахнамун бўлдунг,  
Ул сабабдурки сарнигун бўлдунг.  
Бор санда хануз истигно,  
Тенгри амрин кетурмадинг баржо.  
Хар кишипинг бошига ман соя —  
Солгачин ул топар улу поя.  
Оти халк ичра подшоҳ бўлур,  
Подшохи жахонпанох бўлур.  
Юрурам нафсдин амон бирла,  
Сабр этиб курук устухон бирла.  
Ўзима лукмани халол этдим,  
Нафси золимга гўшмол этдим.  
Дахр аро будур кору борим,  
Хеч жоиварга етмас озорим.  
Бўлди Товуски снда шарманда,  
Деди:— Сенсен амиру ман банда.  
Ўрнидин кўптию деди:—Таксир!—  
Бўлди анда хумой узрпазир.  
Ёд килди хато табохидин,  
Оша кечди анинг гунохидин.  
Эрди гуфту шунид кушлар аро,  
Тортди бир ох Булбули хоно:  
— Кайдасен, Худхуди фасих забон,  
Токи килсанг бу мушкили осон!  
Аччигидин Хумойи фаррух фол  
Деди:— Оллимда Худхуда не мажол?  
Хадди йўктурки мунда дам ургай,  
Поядин юкори кадам ургай.  
Дема Худхудки, хаддин ўзи билур,  
Келгачин аёкимга сажда килур.  
Тутдим оники беку мехтардур,  
Шох ила посбон баробардур.  
Мунфаил бўлди булбули мискин,  
Килди Хумой сўзи опи гамгин.  
Яна дедики:— Кайдасан, рахбар,  
Токи килсанг бу можарога. назар!  
Барчага сару пешвосан сан,  
Муршиди кутбу муктадосан сан.  
Кўнгли тасбех ила топиб таскин,  
Эрди Худхуд уйида чилланишин;  
Ки кулокига етди Булбул уни,

Деди:— Бўлди магар бахор куни!  
Чунки Худхудга етти бу пайгом,  
Колмади анда сабр ила ором.  
«Ху» деди, чикди чилладин филхол,  
Гашт этиб бог сори урди бол.  
Кўрди бир мажмаики, жамъи туюр,  
Этибон бир-бирига юз шару шўр.  
Келди Худхуд таки бу холатда,  
Андалиб эрди юз маломатда.  
Олди Худхуд била бу каллаи даст,  
Севунуб дсди онда Булбули маст:  
— Яхши келдинг, фариштахў, Худхуд,  
Барча кушларга обрў Худхуд.  
Хак йўлида юруб талаб бирла,  
Келдию турди юз адаб бирла,  
Деди:— Не бахсдур, муни билсам,  
Рохи тадбирини онинг килсам.  
Очнгдин Хумо деди:— Так тур,  
Хаддинга яраша бугун лоф ур.  
Сонмаким бўлубон сапга тобеъ,  
Айлагайбиз бу умрпи зсеъ.  
Тортди Худхуд бир ох ул дамда,  
Бўлмагай андок ох оламда,  
Дедикнм:— Эй Хумо, дсма зинхор,  
Моуманликни севмагай жаббор.  
Эрди шайтон мукарраби даргох,  
Бўлди манманликда ул гумрох.  
Ул Сулаймонки дунёни тутди,  
Рифъати етти чархдин ўтди.  
Эрди тенгрига ул набшо расул,  
Килур эрди сўзим хамиша кабул.  
Эшитинг, сизга бор бир тамсил,  
Келтурай сизга бир назиру далил:  
Бир куни тушти кўкдин борон,  
Кўрсаким ер, мухит бепоён.  
Мунда туштию мунфаил бўлди,  
Тушканига базе хижил бўлди.  
Деди:— Ман мунда кимки жо килсам,  
Бахр ила бахс, можаро килсам.  
Кўргач ўзини кам ўшул ёмгур,  
Садаф ичига туштию б.ўлди дур.  
Худхуд ул дам сўз«н адо килди.  
Барча кушлар апга дуо килди.  
Ул замонда хумоу гайри хумо  
Кўптию килди барча саъят анго.  
Кирдигоро, рахиму рахмонсан,

Билгучи борча рози пинхон сан.  
Гар Нишотий эрур паришоне,  
Бошидин аёкига исёне.  
Лутф этиб сен кечур гунохин анинг,  
Бокмагил номаи сиёхин анинг.  
Ўтди умри тамом гафлат ила,  
Юруди субху шом гафлат ила.  
Жону дил бирла килмадим тоат,  
Бўлмадим бегунох бир соат.  
Сидк ила килмадим ибодатни,  
Рўзи килгин манга саодатни.